



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2025 йил 17 май, № 100 (8995) • Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВЕНГРИЯ ВА СЛОВЕНИЯГА ТАШРИФ БУЮРАДИ

19 — 22 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрия ва Словения Республикасига расмий ташрифлари бўлиб ўтади.

Ўзбекистон етакчиси Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг таклифига биноан 19 май куни Будапештга келади.

Олий даражадаги музокаралар, Венгрия расмийлари ва етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашувлар бўлиб ўтади.

Кун тартибидан икки мамлакат ўртасида амалий ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Мамлакатимиз раҳбари 21 май куни Венгрия пойтахтида Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммитида иштирок этади.

Президент Шавкат Мирзиёев 22 май куни Любляна шаҳрида Словения Президенти Наташа Пирец Мусар билан учрашади, ушбу мамлакат парламенти ва ҳукумати раҳбарияти билан музокаралар ўтказида, қўшма ишбилармонлик тadbирларида иштирок этади.

Ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, фармацевтика, саноат, озиқ-овқат ва тўқимачилик тармоқларида кооперация лойиҳаларини амалга ошириш, меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорлик қилиш ва гуманитар алоқаларни кенгайтириш масалалари қўриб чиқилади.

Ў.А.

Ўзбекистон ва Венгрия: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 19 — 21 май кунлари расмий ташриф билан Венгрияда бўлади. Давлатимиз раҳбари ташриф давомида Туркий давлатлар ташкилотининг Будапешт шаҳрида бўлиб ўтадиган норасмий саммитида иштирок этади.

Ташриф олдида

Ўзбекистон ва Венгрия ўртасида дипломатик муносабатлар мамлакатимиз истиқлолга эришганидан кўп ўтмай, яъни 1992 йил 14 мартда ўрнатилган. Ушундан бери икки томонлама муносабатлар расмий ўзаро ҳамкорликдан конструктив ва ўзаро ҳурматга асосланган мулоқотни йўлга қўйишга булган муҳим эволюцияни бошдан кечирди.

2021 йил март ойда Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг мамлакатимизга ташрифи якунлари бўйича Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди ва у замонавий жадал ҳамкорлик учун мустахкам пойдевор яратди. Ушбу ҳужжатда томонларнинг муносабатларини сифат жиҳатдан янги bosқичга олиб чиқиш ниятлари муҳрланган.

Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги сиёсий мулоқот юқори суръатда давом этмоқда. Бош вазир Виктор Орбаннинг Ўзбекистонга ташрифидан ташқари, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил октябр ойида

Венгрияга расмий ташрифи ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Олий даражадаги музокаралар якунида саноат кооперацияси ва илмий-техникавий ҳамкорликдан тортиб академик алмашинувларгача булган турли йўналишларни қамраб олган 16 та икки томонлама ҳужжат имзоланди. Ташриф доирасида икки мамлакат ишбилармон доираларининг етакчи вакиллари иштирок этган Ўзбекистон — Венгрия бизнес форуми ҳам бўлиб ўтди.

Ҳозирда икки томонлама даражада ҳам, кўп томонлама форматларда ҳам фаол ҳамкорлик олиб борилаётган. Давлатлараро алоқалар кенг қамровли ҳуқуқий базага, жумладан, 50 дан ортиқ икки томонлама ҳужжатларга асосланади. Улардан энг муҳими, инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш, илм-фан, инновациялар, қишлоқ, сув хўжалиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш ва юқори технологиялар соҳаларида идоралараро меморандумлар бўлди.

➡

Эртага — Ўзбекистон Республикаси кончилик ва металлургия саноати ходимлари куни

УЛКАН МАЖМУА ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА

Тарихдан маълумки, ҳар бир давлат тараққиётида уч омил — қазилма бойликлар, меҳнат ресурслари ҳамда интеллектуал салоҳият муҳим ўрин тутди. Буларнинг ҳар учаласи ҳам Ўзбекистонда мавжуд. Энг қувонарлиси, Ер юзиде бугун фанга маълум бўлган деярли барча турдаги табиий минералларни юртимиз заминиде учратиш мумкин. Олтин, кумуш, мис, уран, қўроғошин, молибден, вольфрам, темир, кумир, нефть, табиий газ, нодир ва нобб металлар, калий тузлар, фосфоритлар ва бошқа стратегик қазилмалар шулар жумласидандир.



Албатта, қимматбаҳо металлар улар орасида алоҳида аҳамиятга эришган. Бу оғир қўроғошин, молибден, вольфрам, темир, кумир, нефть, табиий газ, нодир ва нобб металлар, калий тузлар, фосфоритлар ва бошқа стратегик қазилмалар шулар жумласидандир.

Ишлаб чиқариш амалиётида қимматбаҳо металларга бой руда захираларини аниқлаш, конларни очиш масалаларини бир қисми бўлса, уларни ўзлаштириш, қазиб олишдан тайёр маҳсулотга айлантиришгача

бўлган жараён, яъни халқаро андозаларга мос маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай мамлакатнинг илмий ва иқтисодий салоҳияти кўтаролмайди. Чунки кончилик эндиликда шунчаки муҳандислик эмас, балки инновация, модернизация, яратувчилик ва рационализаторлик каби замонавий ибораларни жамлаб, инсоният интеллектуал маҳсулига айланган. Бу ёндашувлар туфайли "Навоий кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти дунё кончилиги саноатида ўз етакчилиги макени сақлабгина қолмай, балки мустахкамлашга эришгани айни ҳақиқат.

Ҳар қандай фаолият, жумладан,

кончилик ишлари ҳам қонун асосида тартибга солинади. Шу жиҳатдан, ўтган йили Ўзбекистон Республикасининг "Ер қаъри тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниши ер ости бойликларига эгаллик ва уларни тасарруф этиш, шунингдек, ер қаъридан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш чоғида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқий базанинг мустахкамланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун лойиҳаси Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисида кенг муҳокама этилиб, қизгин баҳс-мунозаралар асосида қабул қилинди.

➡



СЕНАТ ИШЧИ ГУРУҲИ БУХОРОДА

16 май куни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бoшчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан Бухоро вилоятида профилактика тизимини такомиллаштириш, коррупцияга қарши самарали курашиш, маҳалла тизими фаолиятини кучайтириш, хотин-қизлар бандлиги ва тadbиркорлигини кенгайтириш каби долзарб йўналишларда амалга оширилаётган ишлар ўрганилди.

Ўрганиш

Ишчи гуруҳнинг дастлабки манзили — Вобкент тумани бўлди. Бу ерда ўтказилган йўналишда "Халол туманлар" лойиҳасининг дастлабки натижалари муҳокама қилиниб, коррупцияга қарши курашишда самарали ёндашувлар ҳамда институционал ислохотларни жорий этиш масалалари атрофида кўриб чиқилди. Вобкент тумани мисолида амалга оширилаётган стратегик ва ҳаракатлар режалари тақдим этилиб, коррупциядан холи давлат бошқаруви таъминлаш мақсадида рақамлаштириш, жавобгарликни кучайтириш ва шаффофликни оширишга доир аниқ вазифалар белгилан олдинди.

Ишчи гуруҳ Бухоро туманидаги Работқалмоқ маҳалласида "Маҳалла еттичилиги" вакиллари билан мулоқот қилди. Учрашувда жиноятчиликнинг олдини олиш, ижтимоий муаммоларни эрта аниқлаш ва ҳал этиш масалалари муҳокама қилинди. Бундан ташқари, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни касб-хунарга ўргатиш ва оила-

вий тadbиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишилди. Мулоқот чоғида маҳалладаги эҳтиёжман аёллар аниқлашиб, уларни касб-хунарга ўқитиш, субсидия ажратиш, тadbиркорлик фаолиятини бошлаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган чора-тadbирлар ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, аёлларга имтиёзли кредитлар ажратиш, ўз бизнесини йўлга қўйган тadbиркор аёлларни рағбатлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар билан манзилли ишлаш борасидаги тажрибалар билан ўртоқлашилди.

Ташриф доирасида Бухоро шаҳрида намунавий "Хавфсиз кўча" лойиҳаси, Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги ситуация марказ фаолияти, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича амалга оширилаётган чора-тadbирлар билан ҳам танишилди.

Ўрганишлар давомида Сенат Раиси аёллар бандлигини таъминлаш нафақат иқтисодий барқарорлик, балки оилаларда ижтимоий муҳитни яхшилашда муҳим омил эканини алоҳида

таъкидлади. Шу нуқтаи назардан, бу йўналишда тизимли ёндашулни кучайтириш, жойларда илгор тажрибаларни омдалаштириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Ғиждувон туманида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бoшчилигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашининг сайёр мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Бухоро вилоятида жиноятчилик ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди. Шунингдек, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни камайитириш, профилактика чораларини кучайтириш, ҳудуддаги хавфсизликни мустахкамлаш бўйича истиқболли чора-тadbирлар белгиланди.

Маълумотларга кўра шу йилнинг биринчи чорагида олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар 19,5 фоиз камайган. Бироқ бундай жиноятлар сони ҳар 100 минг нафар аҳолига вилоят бўйича 13 тага тенг бўлган бўлса, Бухоро шаҳрида бу кўрсаткич 32 та, Қоғон туманида — 22, Қоғон шаҳрида — 18, Қоровулбозорда — 20, Ғиждувонда 15 тани ташкил этган. Бундан ташқари, олдини олиш мумкин бўлган 272 та жиноятнинг ҳар учтадан биттаси ўғрилиқ, ҳар олтинчиси фирибгарлик, ҳар саккизинчиси тан жароҳати етказиш билан боғлиқ.

➡

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамда Иқлим ўзгариши оқибатларини камайитириш ва "яшил" иқтисодиётга ўтишни тезлаштириш масалалари бўйича комиссия ҳамкорлигида "Худудларнинг экологик паспортлари ва экологик рейтингини ишлаб чиқишнинг долзарб масалалари" мавзусида давра сўхбати ўтказилди.

Бугунги глобал экологик инқирозлар даврида табиий ресурсларни муҳофаза этиш, экологик назоратни кучайтириш ва барқарор яшашнинг таъминлаш масалалари кенг муҳокама қилинди. Шунингдек, табиий ресурсларни муҳофаза этиш, экологик назоратни кучайтириш ва барқарор яшашнинг таъминлаш масалалари кенг муҳокама қилинди. Шунингдек, табиий ресурсларни муҳофаза этиш, экологик назоратни кучайтириш ва барқарор яшашнинг таъминлаш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Кайд этилганидек, бугунги кунда республиканинг асоси бўлиб хизмат қилади. Ҳудуддаги экологик муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш бўйича стратегик режалар тузишда ёрдам беради. Давра сўхбатига айтилганидек, муайян ҳудуд, айниқса, туман (шаҳар) даражасида экологик паспортларни тайёрлаш ҳамда шу асосда рейтингни юритиш масаласи комплекс ва маълумотларга бой жараён бўлиб, унда турли экологик, географик ва ижтимоий омиллар ҳисобга олиниши зарур бўлади. БМТнинг Атроф-муҳит дастури ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти худудлар учун экологик паспортлаштириш бўйича меъёр ҳамда тавсияларни тақдим этган. Давлатлар учун тавсиявий харақатга эга бўлган "Халқаро GREEN CITY INDEX" услубиёти ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, Барқарор ривожланиш мақсадларига асосланган муҳим индикаторлар ҳақон миқёсида амалиётга кенг татбиқ

этилмоқда. Бу борада Германия, АҚШ, Швеция, Франция, Хитой ва бошқа бир қатор хорижий давлатлар муайян ижобий натижаларга эришган.

Тadbирда худудларнинг барқарор ривожлантириш, номуносивазликларга барҳам бериш, юртимизнинг барча нуқтаида фуқароларимиз учун қулай атроф-муҳитни яратиш бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг самардорлиги, айниқса, тўғри ва асослигини таъминлаш мақсадида экологик паспортлар, экологик мастер-режалар ҳамда худудларнинг экологик рейтингини ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Кайд этилганидек, бугунги кунда республиканинг асоси бўлиб хизмат қилади. Ҳудуддаги экологик муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш бўйича стратегик режалар тузишда ёрдам беради. Давра сўхбатига айтилганидек, муайян ҳудуд, айниқса, туман (шаҳар) даражасида экологик паспортларни тайёрлаш ҳамда шу асосда рейтингни юритиш масаласи комплекс ва маълумотларга бой жараён бўлиб, унда турли экологик, географик ва ижтимоий омиллар ҳисобга олиниши зарур бўлади. БМТнинг Атроф-муҳит дастури ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти худудлар учун экологик паспортлаштириш бўйича меъёр ҳамда тавсияларни тақдим этган. Давлатлар учун тавсиявий харақатга эга бўлган "Халқаро GREEN CITY INDEX" услубиёти ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, Барқарор ривожланиш мақсадларига асосланган муҳим индикаторлар ҳақон миқёсида амалиётга кенг татбиқ

«Халқ сўзи».

ЁШЛАРНИНГ «ЯШИЛ» ТАШАБУСЛАРИ

бутунжаҳон экофаоллари эътиборида

Айни кунларда пойтахтимизда Халқаро иқлим куни муносабати билан илк бор "Рақамли яшил ташаббуслар" глобал ёшлар фестивалига сарт берилди. Мазкур нуфузли форум Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, у 2024 йилда Озарбайжонда бўлиб ўтган COP29 — БМТ Иқлим ўзгаришлари конференциясида эълон қилинганди.

Фестиваль

Мазкур халқаро тadbир пойтахтимизда жойлашган Япон боғида экоқўроғма ва экологик лойиҳалар тақдими билан бошланди. Унда ёшлар томонидан яратилган экоишланмалар ҳақида маълумот берилиб, улар нафақат энергияни тежаш, иш самардорлиги ва сифатини ошириш, балки саломатликка ҳам фойдали экани таъкидланди. Ушбу тadbир экологик инновациялар лабораториясига айланганига ургун берилди.

БМТнинг Тараққиёт дастури, Ислом ҳамкорлиги ёшлар форуми, қатор халқаро экологик ташкилотлар, хорижий давлатлар ва Ўзбекистоннинг тегишли вазирлик ҳамда

идоралари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фестиваль доирасидаги тadbирлар тоқсонига ва Нукус шаҳарлари ҳамда Мўйноқ туманида бўлиб ўтди.

— Бутунжаҳон экофаоллари ва инноватор ёшларни бир максат остида бирлаштирган мазкур кенг кўламли тadbирдан кўзланган мақсад — ёшларнинг иқлим ўзгаришига оид билим ва кўникмаларини ошириш, уларни инновацион ечимлар орқали Орлобўйи минтақасини тиклашга жалб қилиш, рақамли технология ва сунъий интеллект ёрдамида барқарор келажақни яратишга ундашдан иборат, — дейди Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги директори, сенатор Алишер Саъдуллаев. — Бугунги кунда глобал иқлим ўзгариши бутун дунёда долзарб муаммага айлангани ҳеч кимга сир эмас.

➡



ЕВРОПА БОЗОРЛАРИГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИЛДИ

УНДАН МУСТАХКАМ ЖОЙ ЭГАЛЛАШ УЧУН БИЗДА ИМКОНИЯТЛАР ЕТАРЛИМИ?

Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган кескин ўзгаришлар ва бугунги глобал рақобат шароитида миллий ишлаб чиқарувчилар ҳамда экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга. Чунки ташқи бозорларда харидорнинг махсулотлар тайёрлаш замирида, аввало, ички бозорда адолатли рақобат муҳитини шакллантириш, қолаверса, тadbиркорлар учун қулай бизнес муҳитини яратишдек кечиктириб бўлмас вазифалар мужассамдир.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздан 162 давлатга турли махсулотлар экспорт қилинаётгани ана шу саъй-ҳаракатлар меваси, албатта. Натижада ташқи савдо айланмаси ялли ички маҳсулотга нисбатан 57 фоизга етди. Бу иқтисодиётимизнинг ташқи бозорларга қанчалик боғлиқ эканини кўрсатади. Дунёда юз бераётган иқтисодий тебранишлар таъсирига қарамаздан экспорт ҳажмини муттасил ошириб бориш учун қандай йўл тутмоқ керак? Ташқи савдо соҳасидаги шу каби долзарб масалалар юзасидан Ўзбекистон экспортчилари уюшмаси раиси Ерқин МАЛИКОВнинг фикрлари билан қизиқдик.

➡

Бизнинг сўхбат

СЕНАТ ИШЧИ ГУРУҲИ БУХОРОДА

←1 Жиноятчиликнинг ошишига аҳоли ўртасида, асосан, шахсий агрессия, ижтимоий муаммолар ҳамда руҳий босимларнинг кучайиши каби омиллар сабаб бўлган.

Мажлисида маҳаллий ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофазга қилиш тизими ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, жиноятчилик профилактикаси тизимли ташкил этиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, киберхавфсизликни кучайтириш, ёшлар ва ижтимоий ҳимоғга муҳтож қатламга кўмак бериш борасида амалий чораларни татбиқ қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимидаги коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг самараси пастигли ва тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш бўйича ишлар етарли даражада эмаслиги ҳам танқид қилинди.

Вилоятда жамоат соғлиқни сақлаш ахборот тизимини тўлиқ жорий этиш учун мутасаддиларнинг масъулиятини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Коррупцияга қарши курашишда очик ва ошкора танлов асосида кадрларни танлаш, тиббиёт ходимлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда аҳолининг ахборот тизимларидан унумли фойдаланишини таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Мажлисида Бухоро вилоятда жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишларни доимий назорат қилиш, самарали профилактика тизимини яратиш ва аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги айтилди.

Шунингдек, ўзларига юқлатилган вазифалар ижросига масъулиятсизлик билан ёндашган мактабгача ва мактаб, соғлиқни сақлаш, экология ва табиати муҳофазга этиш, маданият, пенсия, ободонлаштириш, қадостр, банк соҳаларидаги раҳбарларга, айрим ҳоким ўринбосарларига лавозимидан озод қилишга ҳамда кўрсатилган бўйича янада таъбирлар берилди.

«Халқ сўзи».

МАРКАЗИЙ БАНК ФАОЛИЯТИ САРҲИСОБИ

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг навбатдаги мажлисида Марказий банкнинг 2024 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Сенат қўмиталарида

Унда Марказий банкнинг ўтган йилдаги фаолиятида иқтисодиётда инфляцияга ялли талаб томонидан бўлган босимларни юсатиш ҳамда ўрта муддатли истиқболда инфляциянинг белгиланган таргет кўрсаткичига етишини таъминлаш, банк тизимининг молиявий барқарорлик кўрсаткичларини мақбуллаштириш, юзага келиши мумкин бўлган хатарларнинг салбий таъсирларини юсатиш ҳамда бардошбилликни ошириш, шунингдек, банк хизматлари, ҳисоб-китоб операцияларида кибертахдидлар ва фибригарликларнинг олдини олишга асосий эътибор қаратилгани қайд этилди.

банк тизими ликвидлигини самарали бошқариш ва пул бозорида фоииз ставкалари тўғри шаклланишини таъминлаш учун пул-кредит сиёсатининг операция механизмлари такомиллаштириб берилган.

Сенаторлар ҳисоботни кизгин муҳокама қилиб Марказий банкнинг 2024 йилги фаолиятида банкнинг инфляция даражасини пасайтириш чораларини кўриш, нархлар барқарорлигини таъминлаш, тўлов тизимлари равоишга ва хизматлар қўламини кенгайтириб бериш ҳамда пул бозоридан ўртача йиллик фоииз ставкаси 14,5 фоиизи ташкил этган бўлса, умумий ликвидлигининг ортиси ҳисобига декабрь ойи ҳолати бўйича 13,9 фоиизгача пасайган. Шунингдек, 2024 йилда Марказий банк томонидан пул-кредит чоралари трансмиссион каналини яхшилаш,

ҲУҚУҚИЙ АСОС ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасида «Аҳолини сил касаллигидан муҳофазга қилиш тўғрисида» Қонунни такомиллаштириш мақсадида ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан бу борада амалга оширилган ишлар муҳокама марказида бўлди.

Унда сил касаллигининг олдини олиш ҳолати, муаммолар ва уларни бартафоз этиш юзасидан билдирилган тақлифлар батафсил кўриб чиқилди.

Хусусан, ишчи гуруҳ аъзолари ҳорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш якунларидан келиб чиқиб, қонunchиликни такомиллаштириш юзасидан бир қатор тақлиф ва тавсиялар билдирди. Айниқса, сил касаллигининг эрта таъхисси, профилактикаси ва аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини

кучайтириш, тиббиёт муассасалари ва нодавлат сектор ўртасидаги ҳамкорликни самарали ташкил этиш каби йўналишларда амалдаги қонunchиликка ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритиш зарурлиги таъкидланди.

Муҳокама якунида ишчи гуруҳ аъзоларининг қонunchиликни янада такомиллаштиришга доир аниқ вазифалари белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

Муносабат

ЮРТ РАВНАҚИ ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛИ БИЛАН МУШТАРАК

Президентимиз раислигида мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йўналишида белгилаб берилган аниқ йўналишлар, албатта, яқин келажақда ўз мевасини беради.

Бугунги кунда мактабларда 6 ярим миллионга яқин ўқувчилар таълим олаётганини ҳисобга олсак, бу жуда катта қатлам, қатнаш ва саноҳиятдир. Қолаверса, ушбу рақамлар замирида мамлакатимиз эртасини, келажагини, тараққиётини таъминлайдиган инсон капитали муҳассасам.

Давлатимиз раҳбари мактаб таълими борасидаги ҳар бир масалани чуқур ёндашган ҳолда таҳлил қилиб, ютуқ ва камчиликлари кўрсатиб бергани, мактаб таълими тараққиёти бўйича муҳим ташаббусларни илгари сургани том маънода, бу соҳага янгича мазмун олиб кириди. Хусусан, эътиборга молик долзарб масалалардан бири — таълим сифатини юксалтириш бўйича қайд этилган фикрлар бўлди. Президентимиз айтганидек, қамров ошди, лекин сифат бўйича қилаётган ишларимиз кўп.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси, сўнгги йиллардаги шиддатли ислохотлар натижасида мактабгача, мактаб ва олий таълим тизимида қамров каррасига оширилди. Навбатдаги энг муҳим устувор йўналишлардан бири ва асосийси, бу — миқдор кўрсаткичлардан сифат ўзгаришларига ўтиш ҳисобланади.

Мазкур йўналишида барча мактаб ўқувчиларининг билим салоҳиятини юксалтиришдан тортиб, улари тайёрлайдиган педагогик олий ўқув юрталарига фаолиятини ўзгариштириш, методикани замонавийлаштиришга эътибор қаратилгани диққатга сазовор.

Чунки иқтисодий жиҳатдан энг қудратли ва ривожланган давлатларда ҳам мактаб ўқувчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилади. Зеро, мактабдаги сифатли таълим, ўз навбатида, олий таълимга, умумийлик саводхонлик даражасига ҳамда бутун бир миллатнинг салоҳиятига жиҳидий таъсир кўрсатади.

Педагог кадрлар малака ошириш марказларининг фаолияти қайта кўриб чиқилиб, улари қасбий ривожланишига қаратилган замонавий дастурлар жорий этилиши таҳсинга сазовор. Шунингдек, таълим сифатини таъминлашда баҳолаш тизими ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, мактаб ўқувчиларини тўғри ва адолатли баҳолаш улари билим олишига, ўқишга қизиқшишига қўшимча рағбат беради.

Шу нуктага назардан, Президент ва иختисослаштирилган мактабларда жорий этилган, синовдан ўтган замонавий баҳолаш тизимини оммалаштиришга, мактабларини халқроқ тестология меъсонларига асосланган ҳолда аккредитациядан ўтказишга оид замонавий ташаббусларнинг илгари сурилгани айни мудиоа бўлди.

Мактаб ўқувчиларини интернет ва турли ижтимоий тармоқларда зарарли маълумотлардан ҳимоя қилиш чораларини кучайтиришга масаласи Президент алоҳида эътибор қаратгани таҳсинга мазмундор.

Шухрат ҒЎУБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҚҚАМ ПОЙДЕВОРИ

Кейинги йилларда миллий тараққиёт стратегиямиз асосида юртимизда таълим тизимида, том маънода, тарихий ишлар амалга оширилди. Қисқа фурсатда соҳага оид кўплар қонун, Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бу борадаги ҳуқуқий база мустаҳкамланди.

Депутатлик фаолиятимга қадр кўп йиллар давомида таълим соҳасида фаолият юритганман. Очқи, илгари бу соҳага бугунгидек катта эътибор берилмаган. Ўқувчилар асосий вазифаси бир четда қолиб, фаолиятга мувофиқ алоқадор бўлмаган ишларга жалб этиларди, ёшларга таълим бериш ўрнига бутун кузни пахта даласида ўтказарди.

Бугун эса ўқувчиларга эътибор тубдан ўзгарди. Натижада бир вақтлар ойлик иш ҳақи камлиги туфайли ишдан кўнгли совиб, севган касбини ташлаб кетишга мажбур бўлган кўплар таъбирли ўқувчилар мактабга қайтди.

Мамлакатимизда ҳар йили янги-янги таълим масканлари барпо этилиб, улариинг моддий техника базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланди. Дарслик ва ўқув қўлланмаларининг замон талабларига мос янги авлоди яратилди. Бу, ўз навбатида, ёшларни замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллашига, таълим тизимини юқори бошқичага олиб чиқишга туртки берди.

Хар ойнинг охири ҳафтасида ҳудудларда бўлиб, аҳоли билан очик мулоқотлар ўтказамиз, таълим муассасалари фаолияти билан танишиб, ёшлар билан суҳбатлашамиз. Тўғриси, улариинг кўзидаги қувонч, давлатимиз, Президентимиздан миннатдорлигини кўриб, Ўзбекистонда демократик ислохотлар ўз натижасини бераётгани ва буну юртдошларимиз ўз ҳаётида сезаётганидан кўнгул тоғдек кўтарилади.

Ҳозирги кунда кўп давлатлар ўқувчилари, айниқса, ўғил-қизлари бизнинг муаллимларимизга, ёшларимизга ҳавас билан қарашни сабаби ҳам аслида шу бўлса керак. Чунки мамлакатимиз раҳбари ҳар йили бир неча марта

улар билан учрашиб, орзу-истаклари ҳақида қизиқади, фикр-мулоҳазалари, тақлифларини тинглайди.

Президентимиз раислигида мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йўналишида ютуқлар билан бирга, мавжуд масалалар руййорат айтилди. Таълим тизимини ривожлантириш бўйича муҳим тақлифлар илгари сурилиб, долзарб вазифалар белгилаб берилди. Масалан, ўқувчиларнинг бўш вақтинини мазмунли ўтказиш учун «Баркамол авлод» мактаблари, «Ёшлик» спорт жаamiaти ва ўқувчи-ёшлар маркази ягона тизимга бириктирилиши, улар таъмирланиб, замонавий йўналишларга мос жиҳозланиши, қўрайди тиллар, сўний интелект, дастурлар ва анимация каби янги тўғарақлар очилиши минг-минглаб ўғил-қизларимизнинг айни дилидаги гап бўлди.

Биламизки, болаларни зарарили ахборотлардан ҳимоя қилиш — ҳаммамизни ўйлантираётган муаммолардан бири. Бу борада Президент қарорига мувофиқ, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуриде Болалар контентиин ривожлантириш маркази ташкил қилинган оқилона қарор бўлди. Зеро, у маҳаллий иждоқдорларга миллий контентлар яратиш бўйича бюрутма беради, соҳада кадр тайёрлаш ташкил қилади. Энг муҳими, мамлакатимиз келажаги бўлган болақонларимизни барча соҳада етуқ, чуқур билимга эга бўлган салоҳиятли инсон бўлиб етишишига замин яратади.

Юлдаш МАМАДИЁРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

УЛКАН МАЖМУА ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА

←1 Мазкур қонун бугунги кунда юртимизда фойдали қазилмаларни барқарор ўзлаштириш учун геолог маълумотларни тартибга солиш ва бошқаришнинг замонавий усулларига ҳуқуқий асос бўлиб келмоқда. Унда ер ости бойлиқларига эғали қилиш ва уларни тасарруф этиш, шунингдек, ер қазирдан фойдаланиш ҳамда уни муҳофазалашнинг асосий тамойиллари очик ва шаффоф ўз аксини топган. Бундан ташқари, қонунда давлат ер қазирдан фойдаланиш ва уни муҳофазалаш соҳасидаги вазифалар, ер қазирдан фойдаланиш ва уни муҳофазга қилиш давлат сиёсатини амалга оширувчи органлар ваколатлари аниқ ва равшан мустаҳкамланган.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, кейинги йиллар Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакатимиз янги тарихи, тараққиёти, соҳалар раванқи, халқимиз ҳаёти мисли қўрилмаган ислохотлар, ўзгаришларга бой бўлди. Дунё ҳамжамияти улкан ривожланиш йўлидан бораётган Янги Ўзбекистон деган давлатни тан олди. Юртимиз ўз соломасида бу қадр тез, шиддатли тараққиётни қўрмагани, десак, айна ҳақиқати айтган бўламыз.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган қимматбах моталар ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш дастури доирасида кейинги саккиз йилда умумий қиймати 3 млрд. долларлик 24 та йирик инвестициявий лойиҳа ишга туширилди. Корхонамида инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш эвазига 2026 йилгача мўлжалланган дастур ижросини 2024 йилда, муддатидан икки йил олдин баҳаришга эришдик. Шунингдек, дастурда белгиланган ишлаб чиқариш 2016 йилдагига нисбатан 32,2 фоииз ошириб баҳарилиди. Жамоамиз ўзининг кучи ва салоҳияти билан ҳар қандай йирик ҳажмдаги лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириб, билдирилган юксак ишончини оқлаб келмоқда.

Комбинат 2024 йилда «S&P Global Ratings» ва Fitch Ratings» рейтинг агентликлари томонидан биринчи халқаро кредит рейтингини олди. Бу — Ўзбекистон корхоналарига берилган энг юқори рейтинг эканлиги катта ютуғимиздир. 2024 йилнинг октябр ойида илк бор 1 млрд. АҚШ доллари миқдоридеги халқаро корпоратив облигацияларни чиқариб, Лондон фонд биржасига жойлаштирдик. Яқинда Лондон фонд биржасига яна 500 млн. долларлик халқаро корпоратив облигациялар жойлаштирилди. 2025 йилнинг февраль ойида комбинатга «Sustainable Fitch» халқаро рейтинг

агентлиги томонидан илк бор корпоратив «ESG» рейтингини берилди ва Ўзбекистон тоғ-кон саноатида бундай рейтингни олган биринчи корхона бўлди. Бу акциядорлик жамиятининг соҳадаги етакчилиги, барқарор ривожланиш тамойилларига риоя этишимизни ҳамда экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув омилининг фаолиятимизга қанчалик интеграция қилинганлигини тўла ақс эттирди. Шунингдек, комбинат гендер тенглигини кўлаб-қувватлаш доирасида «International Women in Mining» халқаро уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. «CERT International» ташкилоти томонидан корхонамизга «Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими» ISO 37001:2016 халқаро стандарт сертификатини берилди. 3-Гидрометаллургия заводида сўний интелект технологияларини қўллаш орқали автоматлаштириш бўйича пилот лойиҳа ишга туширилди.

Мутахассисларимиз комбинатни барқарор ривожлантириш, энг асосийси, ишлаб чиқаришни рақамлаштириш ва сўний интелект технологияларини янада кенг қўллаш мақсадида «Boston Consulting Group» компанияси билан ҳамкорликда «НММК» АЖнинг 2030 йилгача рақамли трансформация стратегиясини ишлаб чиқди. Стратегияда корхонани ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб геология-қидирув ишларига рақамли технологияларни ва ишлаб чиқариш жараёнларига сўний интелект асосида бошқариш тизимларини жорий қилиш, комбинатни 2030 йилгача ривожлантиришнинг такомиллашган инвестициявий дастурини ишлаб чиқиш белгиланди.

Комбинатда шу йил апрель ойи охирида яна бир йирик лойиҳа — «Зармитан» қонида муҳандислик жиҳатдан ноёб бўлган «Скилли» шахта строилы ишга туширилди. Унинг чуқурлиги 1 минг метр бўлиб, шахтанинг келгусида олтин таркибли маъданларни қазиб чиқариш қуввати 1,4 млн. тоннага етказилади.

Шунингдек, «Мурувтон» қонини ўзлаштиришнинг кейинги босқичи, «Довизтов» ва «Қоқпатав» қонларидан олтин маъданларини қазиб олишнинг учинчи босқичи бошланади. 7-Гидрометаллургия заводининг технологик маъданларни қайта ишлаш йиллик қувватини 25 млн. тоннага, 3-Гидрометаллургия заводининг қайта ишлаш йиллик қувватини 10 млн. тоннага етказиш бўйича қурилиш-монтаж ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Қувондик САНАҚУЛОВ, «Новоий кон-металлургия комбинати» АЖ бош директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ЁШЛАРИНИНГ «ЯШИЛ» ТАШАББУСЛАРИ

бутунжаҳон экофаоллари эътиборида

←1 Шу маънода, бу жараёнда ёшларнинг экологик онги, рақамли кўникмалари, замонавий ёндашув ҳамда иқлим ўзгаришига қарши курашга фаол иштирокчи ва ташаббускор бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Яқинда ёшларнинг тақлиф ва ташаббуслари асосида Марказий Осиё, Венгрия, Озарбайжон ҳамда Туркия давлатлари ўртасида «Барқарор ривожланиш маданиятини тарғиб қилиш ва болалар ҳамда ёшларни иқлим масалалари бўйича кун тартибига жалб қилиш» борасида халқаро стратегия имзоланганди. Шундан сўнг ушбу мамлакатлар ёш экофаоллари, таълим ва экология вазирлари, олимпилар, тadbиркорлар, соҳа мутахассисларидан иборат халқаро Консултатив қўмита тузилди, дунё ёш экофаолларини бириктирувчи рақамли платформа ишга туширилди, шунингдек, юртимизда Бутунжаҳон ёшлар офиси ўз фаолиятини бошлади.

Айни кунларда бўлиб ўтаётган фестивал ҳам соҳадаги тизимли ишларнинг мантйқий давомидир. Унда 30 дан ортқ мамлакатлардан 100 га яқин ҳорижлик навқирон авлод вакиллари ва ёшлар ташкилотлари раҳбарлари иштирок этмоқда. Шу билан бирга, жараёнларини барча ҳудуддан келган ёшлар, соҳа му-

таҳассислари, волонтерлар ҳам кўзатиб боришмоқда.

Фестиваль доирасидаги ялли сессиялар довомида «Инновацион экологик ечимлар», «Орол денгизини асрашда ёшлар иштироки», «Ёшларнинг рақамли «яшил» ташаббуслари» каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди. Шунингдек, «Green Spark» стартаплар танлови, «Ёшлар ва иқлим» шахта экологик лойиҳалар танлови, ёшлар учун COP форматида симуляция мулоқот, кўрғазма ва тақдимотлар ўтказилди.

— Тақдимот ва чиқишларни қузатиб, менда жуда кўп умидлар пайдо бўлди, — дейди БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Акико Фуки. — Ўзбек ёшларининг экология бўйича танлов қилишдаги қарорлари табиат учун фойдали. Афсуски, Ўзбекистонда бир қанча экологик муаммолар мавжуд. Биз биргаликда улари барта-рлаф этишга ҳаракат қилялмиш. Агар ҳозир ҳаракатни бошласак, келажақда табиат яна тикланади.

Фестиваль якунида ёшлар томонидан ишлаб чиқилган экологик лойиҳалар давлат идоралари ва инвесторларга тақдим этилиши, молиялаштириш учун тақлифлар киритилиши режалаштирилган.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон ва Венгрия:

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

←1 Ҳуқуқий рўйхатга олишнинг бундай қўламы муносабатларнинг институционал асосларини мақсадли мустаҳкамлашдан далолат беради.

Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги парламентларо ҳамкорлик икки давлатнинг стратегик шериклигини мустаҳкамлаш, сиёсий мулоқот, иқтисодий ҳамкорлик ва гуманитар алмашинувларнинг институционал асосларини қўллаб-қувватлашга муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу механизм нафақат стратегик шериклик асосларини мустаҳкамлайди, балки таъжирба алмаштириш, қонunchилик ташаббусларини мувофиқлаштириш ва халқроқ муаммоларга умумий ёндашувларни ишлаб чиқишга муҳим кўприк бўлиб хизмат қилади.

2020 йилда Ўзбекистон Олий Мажлиси ва Венгрия Миллий Ассамблеясида парламентларо ҳамкорлик гуруҳлари ташкил этилди. Узаро шерикликнинг бундай формати сиёсий ишонч ва муноса-

батлар барқарорлигини оширишга ёрдам беради. Бундан ташқари, парламент дипломатиясидан инсонпарварлик ташаббусларини илгари суриш, академик ва ёшлар алмашинувларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш воситаси сифатида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда.

Икки давлат ташқи сиёсат идоралари ўртасида ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Венгрия ташқи ишлар ва савдо вазири Петер Сийяртонинг Ўзбекистонга таширифи чоғида 2024 — 2026 йилларга мўлжалланган вазирликларо ҳамкорлик дастури имзолангани бунинг ёркин ифодаси бўлди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик Ўзбекистон — Венгрия муносабатларини ривожлантиришнинг асосий омилли бўлиб қолаётир. Узаро товар айирбошлаш ҳажми ўсиш учун салмоқли салоҳиятга эга ва томонлар узаро савдо алоқаларини ишонч билан оширяпти. 2024 йилги маъ-

лумотларга кўра, мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 78 млн. АҚШ долларидан ошган бўлса, жорий йилнинг январь — март ойлариде бу кўрсаткич 25,1 млн. долларни ташкил этиб, барқарор ўсишни кўрсатди.

Савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш жараёнида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Венгрия ҳукуматларо комиссия фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Комиссиянинг тўққизинчи йилгилиши 2024 йилнинг май ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган эди. Йилгилиш якунлари бўйича икки томонлама қатор ҳужжатлар, жумладан, икки мамлакат Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Икки томонлама келишувларни амалга ошириш, жумладан, «Ангрен» ЭИЗда Венгрия компаниялари учун махсус саноат зонасини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. 2024 йил октябр ойида мазкур лойиҳани амалга

ошириш бўйича инвестиция шартномаси имзоланди.

Иқтисодий мулоқотда 2021 йилда тузилган Ўзбекистон — Венгрия ишбилармонлар кенгаши ва 2022 йилда йўлга қўйилган Ўзбекистон — Венгрия тараққиёт жамғармаси фаолияти алоҳида ўрин тутди. Унинг асосий мақсади қўша инвестциявий лойиҳаларни молиялаштиришдан иборат. 2023-2024 йиллар охирига қадар жамғарма 100 млн. евродан ортқ ташаббусларни қўллаб-қувватлади. Жумладан, ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, қиллоқ хўжалиги инфратузилмасини модернизация қилиш ва ресурсларни бошқаришда рақамли технологияларни жорий этишга маблаг киритди. Бугунги кунда Венгрия Ўзбекистонда энг фаол европалек инвесторлар қаторидан жой олган. Иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари фармацевтика, ағросаноат комплекси, озиқ-овқат саноати, машинасозлик, сув техно-

логиялари бўлиб қолмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда Венгрия сармоясини иштирокчида очилган 17 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 10 таси қўша ва 4 таси 100 фоииз Венгрия капиталли иштирокчидаги корхоналардир.

Ўзбекистонда давлат банклариини ислох қилиш ва хусусийлаштириш шароитида банк секторидаги Узаро ҳамкорлик муҳим йўналишга айланиб бормоқда. 2022 йил декабрь ойида «OTR Bank» ва Ўзбекистон Молия вазирлиги ўртасида «Ипотека-банк» АТИБнинг 100 фоииз акцияларини Венгрия банки томонидан босқичма-босқич сотиб олиш тўғрисида битим имзоланган эди.

2024 йил октябр ойида Венгриянинг Лакителев шаҳрида буюк ўзбек шоири ва мутафаккири, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий бюсти ўрна-тилди. Бу ёдгорлик таниқли венгер хайкалтороши Георги Лантос томонидан яратилган.

«Дунё» АА.

Таассурот

МАВЛОНО АЛИ ҚУШЧИ ҚАБРИ ЗИЁРАТИ



Марказий Осиё минтақаси ва унинг қалби бўлган Туркистон тарихида Амир Темури...

Сохибқирон ҳар бир ўша ва миллат фақат илм ахли, кучли насллар билан ҳаётини...

Шу сабабли Амир Темуридан солиҳ авлодлар қолди. Угли Шохрухнинг турк-ислом...

“Ўз даврининг Батлимуси” деб танилган Али Қушчи Самарқандда туғилиб ўсган...

Раҳнамои илм мавлоно Али Қушчи, Қуд би-суий равайи ривон бирафт...

Илм-фан раҳнамоси мавлоно Али Қушчи, Жаннат сувори сари юлганаси вақт...

Бандда келтирилган ҳижрий сана милодий 1474 йил 17 декабрга тўғри келади...

қандад ўткази. Фақат 1449 йили Улугбек ўлдирлиб, мирзолар ўртасида...

Шу йил 27 — 30 апрель кунлари Самарқанд давлат университети делегацияси...

Мезонларимиз ҳам домлани тўғри тушуни. Барча зарур ҳозирликлар қўрилган...

Қабрлар оралаб 10 дақиқача юрган, йўл бошловчимиз Усмонли давлатининг ақобирлари...

Шу ўринда айтиш жоизки, Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети...

Жўлибой ЭЛТАЗАРОВ, Самарқанд давлат университети профессори.

монли вазир-вузароси ва ҳарбий саркардалари дафн этиладиган ҳазирага кўмилган.

Шу йил 27 — 30 апрель кунлари Самарқанд давлат университети делегацияси...

Мезонларимиз ҳам домлани тўғри тушуни. Барча зарур ҳозирликлар қўрилган...

Қабрлар оралаб 10 дақиқача юрган, йўл бошловчимиз Усмонли давлатининг ақобирлари...

Шу ўринда айтиш жоизки, Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети...

Жўлибой ЭЛТАЗАРОВ, Самарқанд давлат университети профессори.

қабри ва қабристонни кўпдан-кўп расмга ва видеога олиб, орқамизга қарай-қарай...

Манзиллимизга қайтишда ректоримиз Али Қушчи қабрининг таъмири билан боғлиқ...

Турк ҳукумати ва Истанбул муниципалитети тарафидан Али Қушчининг қабрига...

Орқа тарафга қўйилган кичик тошнинг олд ва орқа тарафидида ёзувлар тугал эмас.

Али Қушчининг қабри тоши Усмонли салтанатида амалда бўлган мазор тоши ёзиш...

Истанбул вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ходимлари томонидан унинг илмий...

Этиборли жиҳати, музейнинг умумий майдони 83,72 метр квадрат бўлиб, унинг 40 метр...

Асосийси Ҳазиний уй-музейга ташриф буюрувчи мушофирларнинг иккинчи кунини...

18 май — Халқаро музейлар куни



ФАРҒОНАДА ТОНГЛАР ОТАР, БИР ГЎЗАЛ ТОНГЛАР...

Сўнгги йилларда юртимизда маданий-маърифий соҳада мисли қўрилмаган ўзгаришлар рўй бермоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан халқимиз маънавий тафаккурини бойитиш, миллий қадриятларимизни қамдаб...

Бу борадаги ҳайрли ишлар бундан олти йил муқаддам бошланди. Орадан кўп ўтмай шайх ва оташзабон...

Иш бошида, аввало, Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ходимлари томонидан унинг илмий концепцияси...

Этиборли жиҳати, музейнинг умумий майдони 83,72 метр квадрат бўлиб, унинг 40 метр квадратига манзарали арча дараклари...

Асосийси Ҳазиний уй-музейга ташриф буюрувчи мушофирларнинг иккинчи кунини...

Асосийси Ҳазиний уй-музейга ташриф буюрувчи мушофирларнинг иккинчи кунини...

НАФОСАТ ВА ЖОЗИБА НАМОЙИШИ



Айни кунларда пойтахтимиздаги Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясига қарашли “Сув спорти саройи”да синхрон сузиш бўйича “Сув париси” халқаро турнири ҳамда I Марказий Осиё очик чемпионати баҳслари бўлиб ўтмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 4 ноябрдаги “Сув спорти турларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда шу йил 13 февраль кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ушбу мусобақаларда Россия, Беларусь, Болгария, БАА, Қозоғистон каби давлатлардан келган 200 га яқин спортчилар қатнашмоқда.

да Принцесса-Анастасия Михайлова (Россия), Дарья Кочнева (Ўзбекистон) ҳамда Велика Стоинкова (Болгария) кучли учликдан жой олди.

Техникавий соло (Сеньорлар) йўналишида эса россиялик Валерия Плеханова биринчи, ҳамюртимиз Сабина Маҳмутова иккинчи, беларуслик Анастасия Головова учинчи ўринни банд қилди.

Пойтахтимизда «Ўзбекистон ва жаҳон халқларининг маданий ҳамкорлик истиқболлари» мавзуида халқаро анжуман ўтказилди.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 542. 13 397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Ғофсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2. Баҳоси келишидан нарҳда.

ТАХРИРЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЪЗМАЛАР ТАҚРИБ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛАҒА ҚАЙТАРМАЙЛАДИ. ГАЗЕТАНИНГ МАҚСАДИ БЕРЛИШНИ УЧУН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРГАН ТАШКИЛОТ ЖАВОБГАР. ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИДА ТЕРМИНЛАРДА Оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.